

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 17-aprel, chorshanba № 28 (15666)

So'z — xalqaro konferensiya ishtirokchilariga

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР БАРЧАНИНГ ҲАВАСИНИ ТОРТАДИ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзuidaги халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари, хусусан, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, янги аҳоли пунктларидаги ижтимоий соҳа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектилари билан танишдилар, юртдошларимиз билан суҳбатлашдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиши кўламининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Самарқанд вилоятида 2009 йилда Жомбой, Пастдарғом ва Пахтачи туманларининг ҳар бирида йигирматадан замонавий уй-жойлар бунёд этилди. Кейинчалик вилоятнинг барча туманларидаги қишлоқларда ана шундай тураржойлар қурилиши бошланди ва ўтган йиллар давомида барча шарт-шароит ва қулайликларга эга 2300 дан зиёд уй барпо этилиб, аҳолига узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида берилди. Жорий йилда вилоятнинг ўттиз қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 1050 уй-жой қурилади.

Халқаро анжуман иштирокчилари Оқдарё туманидаги «Қирқдархон» ва Самарқанд туманидаги «Обод турмуш» маҳалларида бўлдилар.

Оқдарё туманидаги Қирқдархон қишлоғида 2010 йилда йигирмата янги уй-жой қурилиб, уларда қишлоқ аҳли шаҳардагидек шароитда турмуш кечира бошлагач,

бундай уйларга талабгорлар сафи кескин кенгайди. Натижада, бу ерда 2011 йилда 69, 2012 йилда 169 янги хонадон барпо этилиб, ўз эгаларига топширилди.

«Самарқанд вилоятида бўлиб, қишлоқлардаги янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилаётганига амин бўлдик, — дейди **Австриянинг «Winaberger» қурилиш компанияси вакили Хельмут КРУНЕС.** — Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи компанияларга махсуслот ишлаб чиқариш ва сотишда кенг имтиёзлар тизими жорий этилгани бинокорлик материалларининг арзон ва сифатли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, текис ва раvon йўллар нафақат мамлакат кўрки, балки иқтисодий тараққиётнинг ҳам асосий омил ва мезонларидандир. Бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатингиз қишлоқлари ободлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва халқингизнинг бахтли ҳаёт кечирishiга хизмат қилмоқда».

Худудда замонавий уй-жойлар билан бирга, таълим, тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, болалар спорт майдончаси бунёд этилган. Янги қурилган 140 ўринли 25-умумтаълим

мактабида компьютер синфи, фан лабораториялари, спорт майдонлари мавжуд. «Бошдархон» қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Муассаса зарур тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлангани боис, барча ёшдаги кишиларга шу ернинг ўзида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

«Ўзбек халқи азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг устаси сифатида донг таратган, — дейди **Италиянинг «VIFRA SRL» компанияси бош директори Винченцо РУССО.** — Шу боис бу заминда қурилган иморатлар асрлар давомида дунё аҳлини ҳайратга солиб, ҳавасини тортиб келмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган яқка тартибдаги уй-жойларни кўриб, очиги, ҳайратдан лол қолдим. Уйни қуришда, ҳатто шамолнинг йўналишидан то ёз ва қиш ойларидаги иссиқ ва совуқ ҳаво оқимининг хоналарга таъсир кучигача инobatга олинган. Йўл ва йўлақлар, машина қўйиш учун гараж, болалар майдончаси — ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинган. Фуқароларни аҳил-иноқ ҳаёт кечирish, буюк бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда маҳалла институти муҳим роль ўйнашига гувоҳ бўлдик. Бошқарувнинг бу ноёб усули халқнинг миллий менталитети ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги эътиборга молик».

Бу ерда бир нечта савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган. Яқинда яна бир йирик мажмуа — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази фойдаланишга топширилди. Гўзаллик салони ва сартарошхона, уй-рўзғор буюмлари тузатиш устaxonаси каби шохобчаларни ўз ичига оладиган ушбу мажмуада йигирмага яқин янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, жорий йилда «Қирқдархон»да намунавий лойиҳалар асосидаги яна олтимишта янги уй-жой, болалар боғчасини қуриш ҳаракатлари бошлаб юборилган.

(Давоми 2-бетда)



4-, 5-бетларга қаранг



Vatanimiz mustaqilligining 22 yilligi oldidan

## Келажакка ишонч ёшларга қанот бағишлайди

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизнинг шаън-шавкати улуғлаш, ғурурига ғурур қўшиш ва асрий орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган улкан ишлар амалга оширилаётган.

Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик масаласида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ана шундай ишлар сирасига киради.

Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажакда қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олаётгани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизларнинг камоли билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода демократик жамият қуриш жараёнида мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги авлодни тарбиялаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

**Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза МУҲАММАДЖОНОВА** билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбири ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш йўлида бажарилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати алоҳида ўрин тутди.

Фаолиятимизнинг куйи бўғини бўлган «Кама-

лак» болалар ташкилотининг лойиҳалари ёшлар, айниқса, болалар ўртасида кенг оммалашди. «Камалак», таъбир жоиз бўлса, болаларни бирлаштирувчи, уларни Ватанимиз равнақи йўлида қомил инсонлар этиб тарбиялашга кўмаклашувчи тузилмадир.

Ҳар йили мактаб остонасига илк бор қадам

қўяётган минглаб фарзандларга Президент совғаси — 12 турдаги ўқув анжомлари бепул тақдим этилаётган. Мамлакатимиз умумтаълим муассасаларида таълим олаётган ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўқувчилар «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларидир.

(Давоми 3-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР БАРЧАНИНГ ҲАВАСИНИ ТОРТАДИ

(Давоми, боши 1-бетда)

«Миллий меъморчилик аъна-налари асосидаги замонавий уй-жойлар, бинолар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини, турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётган қишлоқлар қиёфасини қуриб, Ўзбекистон халқига ҳавасимиз келди, — дейди **Эстониянинг «Seve Ehituse AS» компанияси ижрочи директори Вело ЭН-НИСТЕ**. — Янги массивларда мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар, спорт майдончалари, савдо мажмуалари ҳам барпо этилаётгани ҳар бир оила учун зарур кундалик эҳтиёжларни таъминлашга хизмат қилади. Бунёдкор, шижоатли ва меҳнатсевар халқингизнинг амалга ошираётган бундай хайрли ишлари таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда уй-жойлар бунёд этиш тажрибасини ўрганса арзийди».

Самарқанд туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида ўтган уч йил давомида 350 дан зиёд замонавий уй-жой бунёд этилиб, аҳолига тайёр ҳолда топширилди. Худудда 360 ўринли умумтаълим мактаби, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Айни пайтда бу ерда маданият ва истироҳат боғини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Халқаро конференция қатнашчилари мазкур маҳаллада аҳоли турмуш тарзи, яратилган имконият ва қулайликлар билан танишдилар. Меҳмонлар, туман жамоатчилиги вакиллари иштирокида маҳалла маркази биносининг очилиш маросими ўтказилди. Хорижлик меҳмонлар маҳалла маркази биносида фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллар учун яратилган шарт-шароит билан бирга юртимизда маҳалла институтининг фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги фаол иштироки, халқимиз ҳаётидаги ўрни билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Ўзбекистонда уй-жой қурилиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ, — дейди **Хитой ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Қишлоқни ривожлантириш институти иқтисодиёт департаменти раҳбари Дан ГОУИН**. — Самарқанд вилоятида мукамал лойиҳалар асосида қурилган шинам ва кўркем уйларни қўриб, улар шарт-шароит ва қулайлиги жиҳатдан шаҳардаги уйлардан асло қолишмаслигига амин бўлдик. Кенг ва равон йўллар, муҳташам иморатлар, замонавий мактаблар, тиббиёт масканлари қишлоқларга ўзгача кўрк ва тароват бахш этиб турибди. Бу ердаги кўни-кўшнилари аҳиллиги, умуман Ўзбекистон халқи меҳроқибатли, иноқ, бахтли эканига ҳавасимиз келди».

Халқаро конференция қатнашчилари маҳалладаги Богбонлар кўчасида жойлашган Ўткир Нурмухаммедов хонадонидан баҳор неъматини — сумалак тайёрлаш жараёни билан танишдилар. Меҳмонларга сумалакнинг тарихи ва унинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида гапириб берилди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини ҳам зиёрат қилдилар.

«Ўзбек халқининг бой миллий аънава ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларнинг келгуси авлодлар томонидан давом эттирилишига алоҳида эътибор қарати-

ши ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради, — дейди **Бруней халқаро савдо-саноат палатаси раиси Шазали СУЛАЙМОН**. — Биз кирган хонадонларда барча оила аъзолари — ота-она, фарзандларнинг бирга турмуш кечириши, уларнинг ҳар бири учун алоҳида хона, муносиб шарт-шароит яратилгани диққатга сазовор. Бу ҳам оилани мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни улуглашнинг ёрқин ифодаси деб ўйлайман».

Бухоро вилоятида 2009 йили 40 замонавий уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, кейинги уч йилда 1745 оила замонавий уйларда ҳовли тўйларини нишонлади. 2013 йил — Обод турмуш йилида 730 уй-жой қурилиши изчил олиб борилаётган янги массивларда ҳам ана шундай қулайликлар яратилади. Халқаро конференция иштирокчилари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Гиждувон туманидаги «Гаждумак» массиви билан танишди.

«Гаждумак» аҳоли пунктида 35 янги уй-жой қурилиб, аҳоли учун зарур инфратузилма яратилган. Замонавий супермаркет, гўзаллик салони, маросимлар уйи, маиший техника тузатиш устахонаси, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда тадбиркорлар томонидан бунёд этилган хизмат кўрсатиш объектларида қарийб 40 нафар киши иш билан таъминланган.

«Касбим архитектор бўлгани учун қаерга бормай қурилиш ишларини кузатаман. Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, қад ростилаган муҳташам иншоотларни кўриб, кўз қувонади, — дейди **Япониянинг «Okano Planning Associates» меъморчилик ва дизайнерлик компанияси президенти Мамото ОКАНО**. — Улар миллий ва замонавий услублар уйғунлигида меъморчиликнинг барча талабларига риоя этган ҳолда юксак дид билан бунёд этилган. Гиждувон туманидаги «Гаждумак» массивида амалга оширилган уй-жой қурилиши, у ерда яратилган ижтимоий инфратузилма, аҳоли учун шарт-шароитлар, одамларнинг яшаш тарзи билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдик. Мазкур уйларнинг нафақат қурилиши ва ўзига хос дизайн, балки уларни барпо этишда фойдаланилган қурилиш материалларининг юқори сифати ҳам эътиборимни тортди. Бу материалларнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани мамлакатингизда қурилиш соҳаси билан бирга, қурилиш материаллари индустрияси ҳам жадал ривожланаётганини кўрсатади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча йўналишлари мутаносиб равишда изчил тараққий этишига, юртингизнинг жаҳондаги нуфузи янада ошишига хизмат қилаётир».

Хорижлик меҳмонлар «Шукур Тўхта» фермер ўжалиги раҳбари хонадонидан бўлиб, замонавий архитектура талаблари ҳамда маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда барпо этилган уйда яратилган қулайликлар оила фаровонлигига хизмат қилаётганига амин бўлдилар.

«Ўзбекистонда уйлар пухта ва мукамал лойиҳалар асосида қурилмоқда, — дейди **Нидерландиянинг «Laurey Architecture & Environment» компанияси директори, архитектор Роланд ЛАУРЕЙ**. — Буни «Гаждумак» массивида қурилган уйлар

мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларда уй эгаларининг эркин ва саодатли яшаш учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда ободонлаштириш ишлари, жумладан, турли дарахт кўчатларини экиш яхши одатга айлангани фоят қувончли. Бухородаги Пойи Калон мажмуасидаги обидалар шу қадар мустаҳкам қурилган эканки, орадан неча юз йиллар ўтса-да, кучли зилзилаларга ҳам бардош бериб турибди. Бу — Ўзбекистонда меъморчилик азалдан юксак даражада тараққий этганидан далолат. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан қишлоқларингизда комплекс равишда барпо этилаётган ушбу массивлар ва уй-жойлар ҳам кўп асрлар халқингизга хизмат қилишига ишонаман. Тинчлик ва осойишталик, аҳиллик, меҳнат ва маданиятни қадрлайдиган халққа бундай уйлар жуда ярашади».

Мамлакатимизда ёш авлодининг маънавий етук ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши йўлида улкан ғамхўрлик кўрсатилмоқда. «Гаждумак» массиви худудида жойлашган иккита таълим муассасасида ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари ва замонавий педагогик технологиялар асосида билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қурилган спорт майдончасида ёшлар бўш вақтда мини-футбол, баскетбол ва волейбол билан шуғулланади.

«Ўзбекистон ҳавас қиларли даражада изчил ва жадал ривожланмоқда. Буни юртингиз қишлоқлари мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди **Австрия фармацевтика саноати вакили Хельмут КОВАРИК**. — Қишлоқларда замонавий ва барча талабларга жавоб берадиган файзли уйлар қурилаётгани натижасида қишлоқ одамларининг турмуш даражаси яхшиланиб, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. «Гаждумак» массивидаги уй эгалари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг ўз турмушидан мамнунлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Одамларнинг юз-кўзида келажакка ишонч мужассам».

Президентимизнинг 2010 йил 8 сентябрда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида янги массивларда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам барпо этилмоқда. Хусусан, 2009-2012 йилларда Бухоро вилоятидаги қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар қурилиши лойиҳалари амалга оширилган худудларда жами 74,7 километр газ, 55,5 километр электр энергияси, 150,5 километр ичимлик сув қувурлари тортилди. Қарийб 100 савдо ва маиший хизмат, сервис объектлари ишга туширилди. Худудларда ва уларга таташ массивлардаги 6 умумтаълим мактабида минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган қўшимча ўқув бинолари, сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш учун зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 4 замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

«Ўзбекистонда қишлоқ тараққиётига бағишлаб ташкил этилган ушбу халқаро конференция жуда муҳим аҳамиятга эга, — дейди **Ҳиндистон-МДХ Савдо-са-**

**ноат палатаси бош котиби Жйотсна Дюбе ЧОУДХУРИ хоним**. — Қишлоқларни ривожлантириш нафақат Ўзбекистон учун, балки барча мамлакатлар учун долзарбдир. Ўзбекистоннинг чекка худудларидаги қишлоқларда қурилган уйлар, маиший хизмат муассасалари билан танишиб, мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги таассуротимиз янада бойиди. Барпо этилаётган замонавий уйларни сотиб олиш учун аҳолига 15 йил муддатга, кам фоизли кредитлар берилиши диққатга сазовор. Фоят фойдали ва самарали бўлган бундай лойиҳаларнинг Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани Ўзбекистонда бундай хайрли ишлар самарасининг янада ошишига хизмат қилади. Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳаларни катта қизиқиш билан ўрганмоқда ва бу борада ҳамкорлик қилиш ниятида. Бухорога ташрифимиз чоғида бу қадим шаҳардаги диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиб, маънавий қувват олдик».

Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар асосида комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 замонавий уй-жой бунёд этилди. Жорий йилда 39 массивда 1 минг 50 уй-жойни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Обод турмуш», Паркент туманидаги «Гулбоғ» ва Пскент туманидаги «Дўстлик» маҳаллаларида қурилган уйлар билан танишдилар.

Хорижлик меҳмонлар Зангиота туманининг «Обод турмуш» маҳалласидаги уй-жойларда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирдилар. Бу ерда маҳалла гузари, стадион, болалар майдончаси, дўкон, тиббиёт маскани, дорихона, саргарошхона ҳамда бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилган.

«Ўзбекистонда истиқлол йилларида барча жабҳаларда беқиёс ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Жанубий Кореянинг «Saemaul Globalization» жамғармаси президенти Жи Ха ЛИ**. — Жамғармамиз асосан қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши ва чекка худудлар инфратузилмасини яхшилаш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади. Шу боис мен мутахассис сифатида бундай худудларда барпо этилган уйларнинг меъморчилик услубига, дизайнига, айниқса, табиий офатлар ва иқлим шароитига чидамлилиқ даражасига алоҳида эътибор билан қарайман. Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида бунёд этилган уйлар замонавий андозалар асосида, меъморчилик аънаваларига мувофиқ ҳолда, зилзилага бардошли, мустаҳкам, уй бекаларининг уй-рўзгор юмушларини қийинчилиқсиз бажариши учун қулай, шинам ва кенг этиб қурилгани барча меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Менга айниқса, хоналар ва ошхонанинг кенглиги, ошхонадан меҳмонхонага, улардан айвон орқали ҳовлига чиқиш имконияти мавжудлиги жуда маъқул бўлди».

«Замонавий уй харид қилиш

учун кредитдан фойдаланганлиги учун қарз олувчининг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилган қисми солиққа тортилмаслиги таҳсинга лойиқ, — дейди **Испаниянинг Asodema компанияси президенти Хесус Каро АДАНЕРО**. — Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ҳар бир иморат солувчига олти сотихдан ажратилиб, улар кредитни тўлаб бўлгунча ер ва мулк солиғидан ҳам озод қилинар экан. Паркент туманидаги «Гулбоғ» массивига бориб, уйларда оила даврасида овқатланиш, меҳмон кутиш, ҳордиқ чиқариш, аёлларнинг рўзгор юмушлари билан шуғулланиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Уйлар сув, электр энергияси ва газ билан таъминланган, атроф обод ва кўркем. Буларнинг барчасига ҳавас қилса арзийди».

«Қурилиш соҳасида йигирма йиллик иш тажрибасига эга мутахассис сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, қишлоқ жойларда бундай чиройли ва шинам уйлар ҳамда ижтимоий объектларни барпо этган одамлар ўз ишининг ҳақиқий усталари дидир, — дейди **Польшанинг «Multibud W. Clurzynski» компанияси бошқаруви раиси Войчех ЦЛУЖИНСКИЙ**. — Бу инфратузилмалар маҳаллий қурилиш материаллари асосида барпо этилаётгани уйлар нархининг арзон бўлиш имконини беради. Айни пайтда мен ҳам ана шундай лойиҳалар устида ишламоқдаман ва Ўзбекистоннинг тажрибаси бу борада менга жуда қўл келишига ишонаман».

Хорижлик меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишишди.

«Ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келишимдан аввал мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганим, мустақилликка эришилганидан буён амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар билан танишдим, — дейди **Мадрид шаҳри Масофали таълим миллий университетининг ижтимоий ўзгаришлар назарияси ва услубиёти департаменти мудири Луис Альфонсо Камареро РИОХА**. — Ўзбекистон ушбу қисқа вақт ичида нафақат оёққа туриб олди, балки барча йўналишларда жадал ривожланмоқда. Пойтахтингиз ва Тошкент вилоятидаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш давомида, ҳаёлимдан шундай фикрлар кечдики, ҳозирги пайтда ҳамма давлатлар ҳам янги қураётган замонавий бинолари, савдо ва бошқа иншоотлари билан мактана олмайди. Кўпчилик давлатларда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари сезилмоқда, хусусан, қурилишга ажратилаётган давлат бюджети маблағлари қисқартирилмоқда. Ўзбекистонда эса янгидан-янги иншоотлар, хусусий уй-жойлар, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган уйлар барпо этилмоқда».

**Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА, Сайёра ШОЕВА, Фойиб ҲАСАНОВ, Эркин ЁДГОРОВ, Холмурод САЛИМОВ, Сардор ТОЖИЕВ, ЎЗА махсус муҳбирлари**

# Келажакка ишонч ёшларга қанот бағишлайди

(Давоми, боши 1-бетда)

Ёшларни миллий ғоя, урф-одат, анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда болаларнинг таътиллари мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йили «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси ўтказиб келинмоқда. Лойиҳа доирасида ташкил этиладиган «Урф-одат ва ёшлар», «Миллий халқ ўйинлари» ва «Варрақлар сайли» фестивалларига минглаб болалар жалб этилаётир.

Болаларнинг тиббий, ҳуқуқий, экологик маданиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини омдалаштириш, ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, ёш иқтидор эгаларини рўёбга чиқаришга қаратилган «Бахтли болалик» лойиҳаси доирасида «Экология ва мен» болалар конференцияси, «Миллий ўйинчоқлар» фестивали, тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, «Мен ҳам аскар бўламан!», «Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида», «Соғлом авлод» болалар спартакиадаси каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бугун юртимиздаги барча мактабларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилган. Мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Янги умумтаълим мактабларининг аксарият қисми қишлоқ жойларда ва чекка ҳудудларда барпо этилаётир. Бу билан қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовутга барҳам берилмоқда. Шунингдек, ҳеч бир ўқувчини эътибордан четда қолдирмаслик мақсадида қатор ташкилот ва вазирликлар билан ҳамкорликда «Ёзни «Камалак» билан» лойиҳаси доирасида ёзги таътил мавсумида болалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар, турли лойиҳалар ва акциялар ўтказиш, спорт мусобақалари ташкил этиш яхши анъанага айланган.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Камолот» ёшларнинг чинакам суянци ва таянчи бўлсин», деган сўзларининг амалий тасдиғини қайси жабҳаларда кўришимиз мумкин?

— «Камолот» ёш авлодни мактаб кучоғида кутиб олади. Сўнгра академик лицейда, коллежда таҳсил олиб, олий ўқув юртига йўл олган ҳар бир йигит-қиз «Камолот» билан бирга улғаяди, вояга етади. Ҳаракат ёшларга ўз йўналишлари бўйича самарали билим олишларига, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига кўмаклашади. «Камолот» уларга фақат ўқиш даврида эмас, ўз соҳалари бўйича ишга жойлашиб, меҳнат жамоасида ўз ўринларини топишларигача ҳам ҳамроҳ бўлади. Келажак эгаларининг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, замонавий касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўл-

лаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг иштирокини таъминлаш Ҳаракатнинг асосий вазифаларидандир.

Аввалги тузум даврида умумтаълим мактабларини битирган ёшлар муайян мутахассислик бўйича чуқур билим олиш имконига эга бўлмагани оқибатида, йиллар давомида гоҳ у — гоҳ бу олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан ўтолмас ва умрининг айнаи орзу-ҳавас, куч-шижоатга тўла даврини беҳуда совуришига мажбур бўларди.

Мактабни битирганлик ҳақидаги шаходатнома билан корхона ё ташкилотга иш излаб борган йигит-қизлар эса, одатда, аниқ бир касб эгаси бўлмагани, қолаверса, мустақил шахс сифатида шаклланмагани сабабли кўпинча ишга қабул қилинмас эди. Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлашдек кўп меҳнат ва ҳаражат талаб этиладиган маъсулиятли вазифани ўша даврда ташкилот-у корхоналар раҳбарияти ҳам, жамият ва давлат ҳам ўз зиммасига олишни истамасди.

Эндиликда юртимизнинг олий ўқув юртлари ҳузурда ташкил этилган академик лицейларда ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича билимларини чуқурлаштириш учун шароит яратилган бўлса, коллежларда махсус фанларни ўзлаштириш билан бирга, мустақил ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрнини топиши учун касб эгаллаш имкони берилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ҳамда микроолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида бир қатор ҳамкор ташкилотлар кўмағида қатор танловлар ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг 30 минга яқин битирувчиси «Менинг бизнес ғоям», 6 минг нафардан ортиқ ёшлар «Ёш тадбиркор — юртга мададор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларида иштирок этди. Танловлар доирасида 2 минг нафардан зиёд ёшларга тижорат банклари томонидан 14,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши бўйича сертификатлар топширилди. Натижада, ўша йилнинг ўзидаёқ 1,5 минг нафар ёш тадбиркор фаолияти йўлга қўйилди, 4 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. 165 нафар ёш тадбиркорнинг 105 миллион сўм микродоридаги микрокредит фойдалари Ҳаракат томонидан тўлаб берилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш, давлатимиз-

нинг ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол иштирок этмоқда.

Бугун ёшларимиз қонун лойиҳаларининг муҳокамасида иштирок этиш билан бир қаторда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш, қонунчилик устидан жамоатчилик назоратини ўрнатган ҳолда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирларда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. 2011-2012 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган «Виждонли сотувчи» акцияси довомида 450 га яқин савдо шохобчаларига рейдлар уюштирилиб, аниқланган 220 қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли ташкилотларга маълумотномалар киритилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида талабаларнинг фаоллигини ошириш, жамоат ишларидаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» стипендияси таъсис этилди. «Камолот» стипендияси — олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистр босқичидаги талабаларга ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ҳаётидаги фаол иштироки, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб берилади.

Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион технологиялар яратиш жараёнларига кенг жалб этиш, илмий-ижодий фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар ўртасида «Камолот» таълим гранти» лойиҳаси ташкил этилди. Ушбу танлов уч босқичли бўлиб, талабалар олий таълим муассасаси, вилоят ва мамлакат миқёсида синовдан ўтадилар. Фойдаларга шартномадаги тўлов суммасининг 50 фоизи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилади.

Таълим ва тарбия — тараққиётнинг қўш қанотидир. Отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлган илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартини гарови деб билганлар. Шу мақсадда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш мақсадида «Талабалар баҳори» фестивали ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбир доирасида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни», «Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» каби мавзуларда илмий-амалий анжуманлар, етакчилар форуми, иқтидорли талабалар танлови, семинар-тренинг ва маҳорат

сабоқлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилаётир.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳар йили ўтказилаётган «Ёш чегарачилар» ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида ҳам 100 минг нафарга яқин ёшлар фаол иштирок этмоқда.

— Бугун юртимизда мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштирган ёшлар камол топмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бу борадаги ишларда қандай иштирок этмоқда?

— Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қайд этилганидек, собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 мартда қабул қилинган «Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтиришга қаратилган чора-тадбирлар» дастури доирасида жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва маънавий рағбатлантириш мақсадида юртимиз бўйлаб «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилди. Мазкур кўргазмаларда 500 дан ортиқ ёш тадбиркор ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатаётган хизматларини намойиш этди.

Ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ёшлар марказлари» ва ижтимоий хизмат марказлари томонидан 314 тўғрак ва ўқув курслари фаолияти ташкил этилиб, 59 мингдан зиёд йигит-қизлар турли касб-ҳунарларга бепул ўқитилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида анъанавий «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати ташкил этилаётир.

Бугунги кунда юртимизда интернетдан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шунинг ҳисобга олиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати янги ташаббусни олға сурди. Ҳаракат томонидан эълон қилинган «MIT.uz» миллий интернет танлови қисқа вақт ичида кўпгаб ёшлар эътиборини ўзига жалб этди.

Танловнинг асосий мақсади интернет тармоғида янги, фойдали, мазмунли сайтлар яратиш, ёшларни холис, хавфсиз ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборат.

Ёшлар ўзларига билдирила-

ётган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда халқимиз, Президентимиз уларга катта умид боғлаётганини яхши англамоқдалар. Улар бу ишонччи аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан оқлашга астойдил ҳаракат қилаётирлар.

Ёш оилалар ўзлари барпо этган янги рўзғор учун ғурур ва масъулият ҳиссини янада теран англаш, ота-оналари, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, оилада дунёга келган ва дунёга келажак фарзандларини халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга интилиб яшамоқдалар. Ҳаракат қошида ташкил этилган «Ёш оила» марказларида малакали психологлар ва бошқа мутахассислар уларга маслаҳат хизматларини кўрсатмоқда.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, ички ишлар идоралари, ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда «Эрта никоҳ — келажак учун хавfli», «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Никоҳ-оила-соғлом зурриёд» мавзуларида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга муносабатини шакллантириш, ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни «оммавий маданият»нинг маънавиятимизга ёт ғояларини асраш мақсадида ҳар йили мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестиваллари ўтказилаётир.

Фестиваль доирасида, ёшларнинг барча қатламлари кизиқишларини инобатга олган ҳолда, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда ўндан ортиқ лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган навбатдаги ёшлар фестиваллари Қашқадарё вилоятидан бошланади.

Касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшларимиз тимсолида муайян касб эгаси сифатида диплом олган, бир неча хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматидаги ўқувчи, юраги ёниб, кўзларидан ўт қачнаб турган янги давр ёшларини кўриб, қалбимизда эртанги кунга ишонч, ўғил-қизлар билан фахрланиш туйғулари жўш уради. Ишонч ва ифтихор эса инсонга ҳамиша қанот бағишлайди.

ЎЗА МУХБИРИ  
АБУ БАКИР ҲОЗОВ  
СУХБАТЛАШДИ.

# Yetakchi

Ушбу рухда «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилотлари ҳақида ҳикоя қилинади



Таэквондо бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида олти карра Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон очиқ чемпионати ғолиби, Марказий Осиё чемпиони, Корея очиқ халқаро турнири ғолиби, спорт устаси, 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси... Буларни ўқиб, мақола спортчи тенгдошимиз ҳақида экан-да, деб ўйлаётгандирсиз? Тўғри, лекин тенгдошингиз нафақат спортчи, балки жамоат ишларида ҳам фаол, ташаббускор ёшлар етакчиси. Бу ҳақда бироздан сўнг билиб оласиз.

## ҒОЯЛАР ВА ТАШАББУСЛАР БИРЛАШГАНДА

Газетамизда «Етакчи» руқнининг материалларини тайёрлаш учун Қашқадарёга боришга тўғри келди... «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгашида бўлиб, бу ҳақда маслаҳат сўраганимизда, ҳеч иккиланмасдан, Қарши давлат университетининг «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси тавсия этишди. Шундан сўнг Харақатнинг вилоят кенгашидан бизга ҳамроҳ бўлган Абдулвафо Тиловатов билан университетга йўл олдик...

Университет ҳовлисига кирганимизда қаршимиздан бир йигит чиқиб, яхши келдиларингизми, дея ичкарига йўл бошлади. Йўл-йўлакай, бугун университетимизда спорт мусобақасининг минтақавий босқичи бўлаёпти, дея вилоятлардан келган автобусларга ишора қилди. Университетимизда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаёпти, деб қўшимча қилди у. Харақатлари чاقқонгина, сўзлари дадил бу йигитнинг ортидан эргашар эканмиз, бу ҳам «Камолот»чи бўлса керак, деб ўйладим. Ростдан ҳам у тарих факультети етакчиси экан. Қисқа савол-жавобдан сўнг талабалар тураржойининг биринчи қаватидаги «Камолот» хонасига (хонадаги нарсалар шундан хабар берарди) кириб бордик. Бир неча ёшлар орасидан, мен университет етакчиси Ферузобону Абдурахмонован, деб таништирди ўзини. Ҳа, бу ўша — сўзлари тиник, фикрлари теран, гаплари чўртке-

ди. Обод турмуш йилида тadbиркорликка қизиқувчи талабаларга олти мартаба ўқув-семинар ташкил этдик. Бундан ташқари, университетда кўнгилли ёшлардан иборат 15 та «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати шакллантирилган. Ҳозир улар дарсдан бўш вақтларида Қарши шаҳридаги «Бахт уйи» қурилиши ва ободонлаштириш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Яна бир йирик лойиҳамиз — бу «Камолот» ҳафталиги лойиҳасидир. Май ойининг биринчи ўн кунлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган ушбу лойиҳада университетнинг саккизта факультети янги лойиҳаларини олиб чиқишадди... Бир зумда фаол «Камолот»чилар ҳам пайдо бўлишди. — Энди қолган ишларни уларнинг ўзидан эшитасиз, — деди Ферузобону. Келинг, сизни ҳам узок куттирмамиздан, тенгдошингиз билан яқиндан таништирай. Ферузобону Абдурахмонова, 1991 йил 20 ноябрда Қарши шаҳрида туғилган. Ушбу тенгдошимизни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг III қурултоида қатнашган делегатлар яхши эслашди. У 2006 йилдан бунён таэквондонинг WTF йўналиши бўйича шугулланиб келади. 2008 — 2010 йилларда Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоси бўлган. «Шўҳрат» медали ва «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони соҳибаси. 2011-2012 йилларда жисмоний маданият назарияси ва услубияти фанидан республика фан олимпиадасининг фаол иштирокчисига айланган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан таъсис этилган имтиёзли давлат гранти асосида Қарши давлат университетининг жисмоний маданият факультетига ўқишга қабул қилинган. Ҳозир 4-курс талабаси. 2011 йил 10 ноябрдан бошлаб Қарши давлат университети бошлангич ташкилоти етакчиси.



## «ФАРЗОНА» ЯРИМ ФИНАЛДА...МИ?



Тўғриси, бу саволга жамоа сардори ҳам аниқ жавоб айтолмади. Чунки республика «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг саралаш босқичи энди бошланди. Ярим финалга эса саралаш босқичларида энг юқори балл тўплаганлар йўл олишди.

Бугун ўзининг минглаб муҳлисарига эга бўлган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ёшларнинг севилими шуошига айланган. «Фарзона» жамоасининг ҳар бир чиқиши қаршилик ёшлар орасида ҳам катта қизиқиш билан кўтиб олинаёпти. Жамоа ушбу мавқеини янада мустаҳкамлаш, республикада ҳам яхши натижаларни кўрсатиш учун янги мавзуларда излашни олиб бораёпти. Яқинда ушбу жамоа бошлангич ташкилот ташаббуси билан университет талабалари

ушбу «Келинг, бугун ҳазиллашмайлик!» номли янги дастурини ҳавола этди. — Биринчи курслигимизда ташаббускор ва кувноқ тенгдошларим билан «Парвоз» жамоасини ташкил этгандик, — дейди табиатшунослик ва география факультети талабаси, «Фарзона» жамоаси сардори Фаррух Сафаров. — Аста-секин факультетлараро бўлиб ўтаётган «КвЗ»да пешқадам бўлдик. Сўнг университетнинг «Фарзона» жамоасига сардор бўлдим. Бугун жамоамизга ўн икки

нафар талаба жалб этилган. Уларнинг маҳоратини ошириб бориш учун факультетлар ўртасида «КвЗ» ўтказиб борамиз. Академик лицей ва коллежларда ҳам байрам дастурларини уюштиряёмиз. Бунда бошлангич ташкилот етакчисининг ўрни алоҳида. Ҳар бир чиқишимизда талаба-ёшлар ҳаётидан қизиқарли воқеаларни, ўрни билан камчиликларни юмор орқали кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бунда биздан актёрлик маҳорати билан бирга, сўзга чечанлик ҳам талаб этилади. Яқинда республика «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг минтақавий саралаш босқичида иккинчи ўринни эгалладик. Ярим финалдан ҳам умидимиз бор. Айтганча, Фаррух таълим олаётган табиатшунослик ва география факультетида фаол талабалардан Экоҳаракатнинг «Ёшлар қаноти» гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳ ҳар ойда турли ҳудудларда ҳашар ишларини олиб боради. Ез ойда эса, оромгоҳларда дам олувчи болаларга экология ҳақида маълумот беради.



## Бу гал «Етакчи» руқни Қарши давлат университетининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлангич ташкилоти фаолиятига бағишланади

Ушбу тўғрақларнинг фаол аъзоларидан «Тафаккур» жамоаси шакллантирилган. Мазкур жамоа «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши ва «Қашқадарё» телерадиокорпорацияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Тафаккур» интеллектуал ўйинида иштирок этади. Республика «Законат» телеўйинига ҳамроҳанг тарзда ташкил этилган ушбу интеллектуал ўйинида Бекзод Тўраев жамоаси ўтган йили вилоятда «Йилнинг энг яхши билимдон жамоаси» деб топилган. Факультет етакчиси эса, ўтган йили вилоятда «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шiori остида бўлиб ўтган ёшлар фестивалида «Энг яхши маънавият тарғиботчиси» номинацияси ғолиби бўлди.



— 2012 йилда «Ёш сиёсат билимдонлари» республика кўрик-танловида фахри биринчи ўринни эгалладик, — дейди Бекзод Тўраев. — Ҳар пайшанба кuni тўғрақ аъзолари билан тўпланиб, келгуси вазифалар ҳақида маслаҳатлашамиз. Уларни амалга оши-

риш учун етакчимиз Ферузобону яқин кўмакдошимиз сифатида бор ёрдамини аямаяди. Ҳозир етакчимиз билан биргаликда «Тафаккур» жамоасини билимдон ёшлар билан тўлдириб мақсадида танлов ўтказяёмиз. «Ёш ҳуқуқшунослар» гуруҳи эса, мақбат ўқувчилари ўртасида тарғибот тadbирларини олиб бораёпти. Шунингдек, «XXI аср ёшлари» гуруҳи томонидан ўқувчиларга «оммавий маданият», интернетдан фойдаланиш, кийиниш ва сўзлашиш одоби ҳамда касба йўналтириш бўйича билим ва тушунчалар берилмоқда. Оттабек Ганиев етакчилни қилаётган ушбу гуруҳ ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари мактабларда тушунтириш ишларини олиб боради.



## ЛИБОСЛАР ДИЗАЙНИДАН МИНИАТЮРА САНЪАТИГА

Оддий қаламда кишини ҳайратга соладиган либослар эскизларини ёки бир қарашда ўзининг сеҳрли оламига тортадиган санъат асарини яратиш ҳазил иш эмас. Бундан бир неча йил олдин миллий матоларимиздан замонавий аёллар либоси дизайнини яратиб юрган тенгдошимизда кутилмаган янги иқтидор пайдо бўлди.

Дилобарнинг устози Эркин Жаббаров ва Абдулла Очилов бу иқтидорни сайқаллашга кўмаклашди. Янги топшириқлар бериб, маҳоратини оширишди. Бугун Дилобарни университетда яхши танишадди. Ўзидан кичкина курсдагилар ундан сабоқ ҳам олишяпти. Дилобар ясаган «Товус рақси» (суратда) композиция кўчирилганидан кейин унга темир буюғи ва аквариум аралашмаси ёрдамида ранг берамиз. Натижада, мана бундай тасвирлар пайдо бўлади. Биринчи асарим «Улоқ» мавзусида яратилган. Бундай асарларни яратиш учун узок вақт талаб этилади бўлган композиция тасвири қора-

ҳам сокин табиат қўйнида ишласам, яхши ижод қиламан. Университетимизда ижодкор ёшлар учун «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти ташаббуси билан турли ижодий танловлар ўтказилади. Етакчи бўлиш учун баъзан тенгдошларингизни лол қолдирадиган маҳоратни кўрсатишга тўғри келади. Уз вақтида факультет етакчиси бўлган Дилобар ҳам ўзига яраша иқтидори билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва «Келажак овози» кўрик-танлови ҳамда «Устоз ва шогирд» кўрғазмасида қатнашиб келади. Унинг миниатюра йўналишига оид «Созандалар», «Она», «Дугоналар», «Учрашув» каби ўндан ортик ишлари бор. Уларнинг бир қисми «Иқтидорли талабалар» бурчагидан ўрин олган. Университетда «Устоз ва шогирд» анъаналари тўғраги ҳам ташкил этилган. Бу ерда санъатга қизиқувчи ёшлар билим ва маҳоратларини оширишадди.



## Қашқадарёда Гувалак кишлоғини эшитмаганлар бўлмаса керак. Спортчилар қишлоғи — Гувалақда спортга иштиёқманд қизлар ҳам кўп. Улардан бири — Дилфуза Темирова.

Спортчи талабалардан бирортаси билан сўхбатлашиш учун Ферузобонундан сўраганим, у

кимгадир кўнғироқ қилиб, ҳозир келади, машғулотдан қайтаётган экан, деди. Орадан кўп вақт ўтмай, ўрта бўйли, қорувли бир қиз келди. Очиги, бирор спортчи йигит келса керак, деб ўйлагандим. Дилфуза сўхбатимиз давомида йигирмага яқин медални олдимишга тахлаб қўйди. Спортчи қиз уларни қаерда ва қайси мусобақада олганини айтиб

ўтди. Биз ҳам уларнинг айримларини санаб ўтишни лозим топдик: 2010 йил самбо бўйича Осиё чемпиони, Хиндистонда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича ўсмирлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионати кумуш медалга соҳибаси, 2012 йил бел оlish кураши бўйича Бишкекда бўлиб ўтган Осиё чемпиони ғолиби. 2011 йили дзюдо бўйича Ўзбекистон

## ГУВАЛАКНИНГ ЧЕМПИОН ҚИЗИ

чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб ўқишга имтиёзли қабул қилинган. — Ун тўрт ёшимда қариндошимиз Машхура Мавлоновага ҳавас қилиб спортга қадам қўйгандим, — дейди чемпион қиз. — Мана, етти йилдирки, дзюдо, миллий кураш, самбо, бел оlish кураши билан шугулланяпман. Спортга ошно бўлиб кўплаб давлатларни кўрдим. Уларнинг ҳеч бирида мамлакатимиздагидек спортга

катта эътибор қаратилмаган. Қай бир давлатда бўлмайин, хорижликларнинг тилида янграйдиган ўзимизнинг «ҳалол», «ёнбош», «танбех», «чала» каби иборалар менга куч-қувват бағишлайди. Ҳозир устозим Пўлат Омонкулов билан бел оlish кураши бўйича Эронда бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўряёмиз... Спортдаги маслаҳаттўй тенгдошим Ферузобону бўлади. У ҳам етакчи, ҳам

спортчи сифатида менга ҳар доим юқори марраларни забт этишни учун ўзининг қимматли маслаҳатларини беради. Шунингдек, спортсевар қизлар ўртасида ўтказилаётган мусобақалар ташаббускори. Шу кuni Универсиада спорт мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда университет талабалари футбол ва кўлтўпи бўйича республика босқичида қатнашадиган бўлишди. Дилфу-

за эса Универсиадада қизлар кураши киритилмагани учун қатнаша олмаганини, энди июнь ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтаётган Бунтунжаҳон универсиадада қатнашиш ниятида эканини айтди. — Жисмоний маданият факультетида бундай талабалар кўп, — дейди Ферузобону Абдурахмонов. — Уларнинг бўш вақти университетимиздаги таэквондо, шахмат-шашка тўғраги ҳамда тренажёр залида ўтади.



Қўшаҳифани Рустам ЮСУПОВ тайёрлади



# Тўғриликда ҳикмат кўн

Инсонлар бор, касб алмаштириб, осон, машаққатсиз иш излаб умрини ўтказди. Яна шундай инсонлар ҳам борки, бир касбга меҳр қўйиб, борлигини фидо этиб яшайди. Жамиятга, инсонларга нафи тегаётганидан кўнгида мамнунлик туйиб, шунинг завқидан ҳузурланади.

Бизни мудом сергакликка ундайдиган, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя этишга чорлайдиган «Чорраҳа» кўрсатуви муаллифи, тележурналист Муҳаммадҳаким Соатов иккинчи тоифа кишилардан. У билан суҳбатимиз тележурналистнинг умр йўли, касбга меҳри, соҳанинг машаққати ва роҳати хусусида бўлди.

— **Муҳаммадҳаким ака, ёшлар сизнинг нафақат тележурналистлик фаолиятингизга, балки ёшлик йилларингиз қандай кечганига ҳам қизиқишадими...**

— Ёшлигимни эслаш мен учун ниҳоятда мароқли. Тошкентда, Эски шаҳарда дунёга келганман. Отам — Ҳосил Соатов ишчи, онам — Зебинисо ая беш фарзанд тарбияси билан машғул уй бекаси эди.

Тўққиз ёшимда «Ўзбекистон» телеканалнинг болалар кўрсатувлари тахририятида Акмал Ҳайдаров раҳбарлигида драма тўғараги ташкил этилганини эшитдим. Хотам Ниёзов (ҳозир олий тоифали режиссёр) билан шу тўғаракка қатнаганмиз. Акмал Ҳайдаров талабчан инсон эди: ким уч баҳо олса, тўғаракка келиб ўтирмасин, дерди. Шу боис яхши ўқишга ҳаракат қилардик. Кейинчалик ўша даврдаги болаларга мўлжалланган «Кувноқ дақиқалар», «Юлдузча», «Шоирлар болаларга» каби кўрсатувларда турли образларни ижро этдим. Болалигимдаги энг эсда қоғаларли воқеа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Юнусов режиссёрлигида Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари асосида саҳналаштирилган телепостановкада бош қаҳрамон — бола образини талқин этганим бўлган.

Болаликдан актёрликка ҳавасим кучли эди. Телевидениедаги чиқишларимиз, мактаб саҳнасидаги интермедияларда ўйнаган ролларимиз шу ҳаваснинг маҳсули эди. Кейинчалик Республика «Ёш томошабинлар» театрида актёрлик маҳорати курси очилди. Таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилова билан шу курсда таҳсил олганмиз. Умуман олганда, болалигим, ўсмирлик йилларим мазмунли



ўтган. Ортиқча шўхликларга, ўсмирлик инжиқликларига бўш вақтим бўлмаган.

— **Актёрликни кўнглига тукан йигитнинг тележурналистикага кириб келишига нима туртки бўлган?**

— Мен актёр бўлишни жуда истардим. Шу ният билан ҳозирги Тошкент маданият коллежига ўқишга кирганман. Бироқ ўқишни тамомлаган йилим мени «Ўзбекистон» телевидениесининг «Ёшлик» студиясига маъмур вазифасига ишга таклиф қилишди. Икки йил ўтиб, режиссёр ассистенти бўлдим. Элбек Мусаев, Мираббос Мирзааҳмедов, Эркин Азимов, Жамолддин Асомиддин каби устозлар билан «Садоқат», «Дунёнинг ишлари», «Баҳор қайтмайди», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сингари телепостановка, кўрсатувларда ёнма-ён ишладим.

Ўша пайтда бош муҳаррир Элбек Мусаев (марҳум) баъзи муаллифлик кўрсатувларини тайёрлашда менга ишонч бил-

дира бошлади. «Ёш олимлар клуби», «Касбим — фаҳрим» кўрсатувларига муаллифлик қилиб, журналистикага қизиқиб қолдим ва ҳозирги ЎзМУнинг журналистика факультетига, сиртки бўлимга ўқишга кирдим. 26 ёшимда «Сиёсат» студиясининг ҳуқуқ бўлимига муҳаррир этиб тайинландим. «Инсон ва қонун», «Ўсмир ва қонун», «Жинойтга жазо муқаррар», «Солиқ ва назорат», «Чорраҳа» кўрсатувларига муаллифлик қилдим.

Мана, ўттиз уч йилдирки, шу қайноқ муҳитда — телевидениеда меҳнат қиляпман.

— **Бошқа соҳаларга қараганда, ҳуқуқий мавзуда кўрсатувлар тайёрлашинг ўзига яраша машаққати бор. Шу йўналишга ихтисослашиш сизда қандай кечган?**

— Ҳуқуқий мавзунини чуқурроқ ўрганишимда 25 йил ҳуқуқ бўлими муҳаррири бўлган Маъмура Муҳаммаджонова (ҳозир нафақанда у киши) бекиёс ёрдам берган. Опа ҳам журналист, ҳам



ҳуқуқшунос сифатида кўплаб масалаларда чин устозлик қилган. Ҳуқуқий билим борасида катта сабоқ берган. «Инсон ва қонун» ва бошқа ҳуқуқий мавзудаги муаллифлик кўрсатувларимда устоз берган билим туфайли кўплаб чигал вазиятлардан чиқишга муваффақ бўлганман.

— **Телевидениеда нима кўпроқ муҳим: қиёфами ёки маҳорат?**

— Иккиси ҳам бирдек муҳим. Аммо булардан ҳам муҳими — журналистнинг айтадиган гапи, мустақил фикри бўлиши керак. Маданиятли, миллий қиёфага эга бўлиш, ҳар гапни, нутқни ўйлаб, томошабинга тўқис етказ олиш ҳам тележурналист учун муҳим. Шунингдек, томошабин эфирга узатилган ҳар кўрсатувдан ўзига тегишли хулоса чиқариши керак. Бунинг учун ҳам тележурналистда маҳорат, қобилият ва изланувчанлик зарур.

— **«Чорраҳа»ни тайёрлаш жараёни қандай кечди? Сизнингча, кўрсатувнинг ҳаётиямиздаги ўрни, ижтимоий аҳамияти нечоғли?**

— Кўрсатувни суратга олишда турли ҳолатлар бўлиши табиий. Баъзан маст ҳолда автомобилни бошқараётган кишиларга дуч келамиз. Уларни тўхташиб, мулоқот қилиш, қилмишининг ҳақиқатини аниқлаш осон иш эмас. Шу боис Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳамкорлигида рейд уюштирамиз ва аниқланган ҳолатлар бўйича кўрсатувни тайёрлаймиз.

БМТ 2011 — 2020 йиллари Бутун дунё йўл ҳаракати хавфсизлиги ўн йиллиги деб эълон қилди. Менимча, шу маълумотнинг ўзи йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этишининг аҳамияти ҳақида кишига етарли тушуنча беради. «Чорраҳа» шунчаки кўрсатув эмас, балки қонунқоидани писанд қилмайдиган, машина чамбарагини ушлаши билан, йўл — фақат меники, деб ўйлайдиган айрим калтабин хайдовчилар ҳақида аччиқ сабоқ берувчи кўрсатув.

Инсон дунёга бир марта келади. Шу бир марталик умрдан ҳам қайсидир кишининг маст ҳолда автомобилни бошқариши, светофор чирокларига эътиборсизлиги туфайли ажралиш ёхуд умрбод тўшака михланиш ҳар бир одамни ўйлашга мажбур қилади. Шундай экан, бу кўрсатувнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида гапириб, адоғига етиб бўлмайди.

«Чорраҳа»ни тайёрлашда кўрсатувнинг халқчиллигига, таъсирчанлигига кўпроқ эътибор қаратамиз. Бунда режиссёр шогирдимиз Ўткир Ражабов, режиссёр ассистенти Миркомил Қосимов бизга яқиндан кўмак беради.

— **Телевидениеда устозларингиз берган қайси ўғитларни ҳаётий тамойил ўлароқ қабул қилгансиз ва шогирдларингизни ҳам шу ҳикматмонанд тажрибага амал қилишга ундайсиз?**

— Устозларим доим: «Муҳаммадҳаким, агар ниятинг халқнинг дуосини олиш, хизматини бе-миннат қилиш бўлса, ҳалол бўлгин», дерди. Бу мен учун энг эсда қоғаларли, бир умрга татиқлик ҳикмат бўлди. Кўрсатувимизга келган хатлар бўйича кўплаб жойларда бўлдим, ҳар хил вазиятларга тушдим. Бироқ устозларимизнинг ҳалоллик ҳақидаги ўғитини эсдан чиқармадим. Ҳозир мен ҳам устозман. Телевидениега келган ёшларга билганларимни ўргатаман. Гап орасида уларга ҳалол бўлишни ўқираман.

Ҳалолликда гап кўп. Тўрт фарзандимнинг уч нафари олий маълумотли, биттаси академик лицейда таҳсил олади. Юртимизга муносиб инсонлар бўлиб вояга етаяпти. Улар камолига қараб, бу устозларимиз айтган ҳалоллик меваси бўлса керак, деган фикрга келаман. Баъзи ҳамкасбларим ҳам шундай дейди.

«Turkiston» муҳбири Хайридин МУРОД суҳбатлашди



Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

## Айшолпаннинг эзгу орзулари

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани иқтидорли қизларни кўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йил ушбу мукофотга Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети филология факультетининг журналистика бўлими 1-босқич талабаси Айшолпан Ҳазратбекова ҳам сазовор бўлди.

Ёшлигидан китобга меҳр қўйган Ай-

шолпан изланувчанлиги ва тиришқоқлиги билан кўплаб муваффақиятларга эришди. Нукус педагогика институти хузуридаги 2-академик лицейда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ «Келажак овози», «Энг билимдон китобсевар» каби кўрик-танловларнинг совриндори бўлди.

Айшолпаннинг публицистик мақолалари ва шеърлари ўз ўқувчиларини топди. 2012 йили «Қорақалпоғистон» нашриётида унинг «Элимнинг гул қизиман» номли илк шеърый тўплами чоп этилди.

— Айшолпан ўзининг қобилияти ва ўта меҳнатсеварлиги билан хурмат қозонган, — дейди университет хотин-қизлар кўмитаси раиси Инжайим Сейтназарова. — Бўлғуси журналистнинг билим ва

истеъдоди миллий адабиётимиз ва журналистикамизнинг ибратли аънаналари таъсирида янада юксалмоқда. Талаба қизимизнинг интилишлари, турли танловлардаги ютуқлари эътироф этилиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани биз, устозларга ҳам улкан фахр ва ифтихор бағишлайди.

Айшолпаннинг орзулари бир олам. У устозларидан журналистика соҳасининг сир-асрорларини мукамал ўрганиб, долзарб мавзуларда қизиқарли муаллифлик кўрсатувлари тайёрлаш ниятида тинмай ўқиб-изланмоқда.

— Менга берилган бу юксак мукофот билим ва тажрибамни ошириш борасида янада кўпроқ ишлашга ундайди,



— дейди Айшолпан тўлқинланиб. — Чунки Юртбошимизнинг биз, ёшларга билдираётган ишончи ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

А.ОРТИҚБОЕВ,  
ЎЗА муҳбири

# Шарқона ибо — қизларга зийнат

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида «Ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат!» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қизларимизнинг кийиниш маданияти, бу борада ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш жараёнида жамоатчиликни ўйлантираётган масалалар, шунингдек, хонандаларимизнинг турли ажнабий, миллийликка ёт либосларни кийишлари, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган клипларнинг эфирга узатилаётгани ва яна шу каби долзарб, маънавиятимиз учун хатарли омиллар жамоатчилик томонидан яна бир бор муҳокама этилди.

## Васила Алимова, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази директори:

— Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талабалар фойдаланаётган дафтарлар муқовасига эътибор берсак, «оммавий маданият»нинг оддий, бироқ хатарли кўринишига дуч келамиз. Эстрада хонандаларининг турли кўринишдаги суратлари билан «безатилган» дафтар муқовасига қараган ўғил-қизларимиз хаёлидан нелар кечаркин?

«Оммавий маданият» таъсирида айрим ёшларда дидсизлик ва масъулиятсизлик юзага келади. Буни айрим давлатлардаги «кўнгилочар индустрия» мақомини олган жамиятларда чоп этилаётган ҳажвий, олди-қочди, интим воқеалар, суратлар, турли котилликлар, машҳур кишиларнинг ишқий можаролари акс этувчи «сарик матбуот» фаолияти мисолида кўриб, гувоҳи бўламиз.

Кино жону дилимиз, лекин... Бадавлат, ақлу хуши жойида қизнинг севги сабаб ўзини томдан ташлаши, иродасизлик, қатъиятсизлик ва ақлсизлик акс этилган айрим фильмларни, афсуски, миллионлаб ёшларимиз томоша қилади.

Биз бу билан яратилаётган фильмлар, клиплар, интернет, компьютер технологиялари ва бошқалар натижасида бу кўрсаткич ошиб бормоқда, демокчи эмасмиз. Аксинча, шундай бўлишига йўл қўймайлик, хавф биздан йироқ эмас, огоҳ бўлайлик, ўзлигимиз-

ни унутмайлик, миллатимизнинг фахрланса арзийдиган ютуқлари бор, «чет эл хўроққандига учмайлик», демокчимиз, холос...

## Рихси Иброҳимова, Ўзбекистон халқ артисти:

— Қизларнинг кийиниши, ҳаё, ибо, андиша каби фазилатлар ҳақида кўпроқ гапириш керак. Булар бизнинг оғриқли нуқталаримиз. Баъзан тўйларга келган хонандаларнинг очиқ кийинганини кўриб бир хафа бўлсанг, уларнинг бири-бири билан андишасизларча тортишишларидан ранжийсан, киши. Оддийлик, табиийлик, миллийлик, орасталик — кийиниш маданиятининг оддий талаблари. Қизларимиз шу жиҳатларга эътибор қилишса, жуда ажойиб бўлади.

Информацион дастурларимиздаги суҳандонларнинг кийиниш маданиятини кўриб, қанча қизлар ҳавас қилади. Лекин баъзиларини кўриб, таъбингиз хира тортади. Бу кўрсатувми ёки реклама, дейсиз беихтиёр. Бир кўрсатувда 16 ёшли қизни ёшига мос бўлмаган соч турмаги ҳамда бачкана пардоз билан қўғирчоққа айлантириб қўйишди...

Бугунги кунда айрим эстрада хонандалари кўйлаётган кўшиқларнинг савияси, кўшиқлар матни, клипларда «оммавий маданият»нинг кўринишлари буй кўрсатаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Зеро, «оммавий маданият» инсон онги, ақли, руҳиятини бутунча қамраб олувчи алдамчи ниқобларга эга. Ана шундай ниқоблардан иккитаси бугунга келиб шиддат билан ўсиб бораётган гло-

## Е'tibordagi mavzi

баллашув жараёни билан уйғунлашиб кетган. Булар: имиж ва медиа. Аксига олиб, ёшлар санъаткорларга қараб, улардан нимадир «ўзлаштириш»га уринишади...

## Феруза Мухаммаджонова, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

— Ёшлар тақлидни яхши кўради. Эътиборини тортган кийимни, албатта, кийгиси, ўзи ҳавас қилган одамга ўхшаси келади. Хорижий давлатлардан бирида ёшлар ўртасида шундай сўронома ўтказилган: кумирингиз ким, кимга ҳавас қиласиз? Уларнинг кўпчилиги, асосан, тўрт соҳа вакиллари орасида санъаткорларни ҳам тилга олган. Демак, санъаткорлар эътибордаги инсонлар. Уларнинг кийиниш маданиятидан ёшлар, албатта, ўрнатилган, қайсидир жиҳатларини ўзлаштиради ҳам. Шу боис ҳар лаҳза ҳушёр бўлишимиз, сингилларимиз, қизларимиз, умуман, ёшларимизнинг юриш-туришига, жумладан, кийинишига ҳамиша жиддий эътибор қаратишимиз керак.

## Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон халқ артисти:

— Кўшиқларини кўп ёшлар севиб тинглайдиган таниқли хонандаларимизнинг ҳам соч турмақларида, либосларига ортиқча ялтироқ тошлар ёпиштиришида «оммавий маданият»га хос жиҳатлар намоён бўляпти.

Бир клипда аёл хонанданинг кўлидаги темир билан машинани уриб пачақлаши ва уни ёндириб юборишини қандай тушуниш мумкин? Хонанда бу билан нима демокчи?

Булар ҳаммаси атрофимизда, кўз олдимизда содир бўляпти. Балки улар бизнинг синглимиздир, опамиздир, ака-укамиздир...

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, миллатнинг катта миллат экани, ўз ҳаёт тарзи борлиги бошқаларга кўр-кўрона эргашмаслиги билан белгиланади. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз — бой тарих, юксак маданият, буюк маънавий ворисларимиз! Демак, биз шу буюклигимизни юксак маданиятимиз ва маънавиятимизни амалда кўрсатиб, бошқаларга ўрнатиб бўлишимиз керак.

## Майсапа НАЗАРОВА, «Turkiston» мухбири

## Hademay mutaxassis bo'lishadi

# Билим амалиётда мустаҳкамланмоқда

Боёвут агросаноат касб-хунар коллежини жорий ўқув йилида учта йўналиш бўйича 125 нафар ўқувчи битиради.

Айни кунларда ана шу битирувчилар билан фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, фирма ва ташкилотлар ўртасида ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни тузиш ишлари давом эттириляпти. Ҳозирнинг ўзида ўттиздан зиёд битирувчи ёшлар ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини бошлаб юборди. Битирувчиларнинг 28 нафари эса, имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида.

Ўтган йили касб-хунар коллежи битирувчиларининг 12 нафари «Ипотека банки» Сирдарё вилояти филиалидан 46,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, айни дамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланыпти. Коллеж битирувчиси Зебинисо Эшонхонованинг туман ҳудудидан 34,4 гектар ер олиб фермер хўжалигини ташкил этгани ҳамда ушбу соҳада муваффақиятли иш олиб бораётганлиги эътиборга молик. Қувонарлиси, жорий йилда ҳам битирувчиларнинг уч нафари фермерлик билан шуғулланишга аҳд қилган.

Ҳозир ўқув амалиётларини ташкил этиш, сифатли ўтказиш мақсадида тикувчилик, чилангарлик иши ўқув амалиётлари учун зарур хомашё материаллари ажратилган. Ўтган йили хомашё сотиб олиш учун 642 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил шу мақсадда яна 2 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди.

Дарҳақиқат, коллежда ўқув амалиётига алоҳида ёндашилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Бу борада тикувчилик ва чилангарлик иши устахоналарининг маҳаллий

бюджет ҳисобидан тўлиқ замонавий жиҳозга эга бўлганлиги айни муддаодир. Эндиликда ўқувчилар коллежнинг ўзида ўқув амалиётларини ўтказишади. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ўқув амалиётини янада тўлақонли олиб бориши учун 3,4 гектар майдонда ўқув-тажриба хўжалиги ташкил этилган, паррандачилик йўлга қўйилган.

Айтиш лозимки, ҳар бир йўналиш бўйича етук мутахассисларнинг тайёрланиши, албатта, таълим сифати билан боғлиқ. Бу борада илғор, тажрибали фан ўқитувчиларининг янги изланишлари, инновацион технологиялардан унумли фойдаланаётганлиги яхши самара бермоқда. Шу ўринда Сайдали Дўстмуродов, Мавлуда Жаҳонгирова, Гулираъно Ризаева, Жонибек Йўлдошев, Шерали Юсупов, Авазхон Хўжаев, Маматқул Шерназаров, Шухрат Шаропов, Эркин Норчаев, Нигора Оқжигитова сингари фидойи ўқитувчилар номини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Коллеж-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Коллежга яқин ҳудудда еттита умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, битирувчи синф ўқувчиларини коллежга жалб этиш мақсадида учрашувлар, саёҳатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Маҳалла фаоллари билан доимий мулоқот уюштириб турилади.

Таълим муассасасида спортга, жумладан, таэквондонинг WTF йўналишига алоҳида эътибор қаратилган. Коллеж ўқувчиси Охун Жамолов 58 килограмм вазнда Сирдарё вилояти чемпиони бўлган. Айни пайтда спортнинг ушбу тури бўйича маҳалла ёшлари ҳам тушдан кейин коллежга келиб, ҳафтасига уч мартаба шуғулланаётганликлари эътиборга молик.

## Ашурали БОЙМУРОД, «Turkiston» мухбири



## Аэропорт йўли торлик қилди

Бразилия халқаро аэропортида Португалияга парвоз қилмоқчи бўлган самолёт чироқ устунларига урилиб кетди.

Маълумотларга кўра, «Tap Portugal» компаниясига тегишли бўлган «Airbus A330» самолёти диспетчернинг нотўғри кўрсатмаси сабаб кичик ҳажмдаги самолётлар кўниш йўлакчасига кўнмоқчи бўлди. Натижада, чап қанот чироқ устунларига тегиб кетди. Самолётда 260 йўловчи ҳамда экипаж аъзолари бор эди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зарар етмади.

## Чуқурлар энди осонроқ сезилади

Украинанинг Ивано-Франковск вилоятидаги Коломия шаҳри аҳолиси шаҳар йўлларидagi чуқурларга лола экиб чиқишди.

Аҳоли шундай йўл билан қатнов йўлларининг ёмон аҳволига нисбатан ўз норозилигини билдиришга қарор қилган. Шаҳарнинг марказий кўчасидаги йўлнинг қатнов қисмидаги чуқурларни қоплаб чиқиш учун 500 дона сариқ лола керак бўлган. Шунингдек, маҳаллий ёшлар ташкилоти норозилик намойишини ҳам ўтказишни режалаштирган бўлиб, агар уларнинг талаби бажарилмаса, йўллардаги чуқурларга дарахтлар ўтқазилиши билан таҳдид қилинган. Маълумотларга қараганда, Украина ҳукумати йўлларни таъмирлаш учун 7,28 миллиард гривна сарфлайди. Айни вақтда ушбу маблағнинг камида учдан бири бор-йўғи икки вилоят — Донецк ва Днепропетровскдаги йўлларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига сарфланади.

## Нок ўйинни тўхтати

«Юргорден» ва «Мьельбю» ўртасидаги футбол бўйича Швеция чемпионати учрашуви нок сабаб тўхтатилди.

Воқеа видеотасвири YouTube.com сайтида ҳам жойлаштирилган. Швеция чемпионатининг 2-туридан ўрин олган учрашув Стокгольмдаги «Юргорден» стадионида ўтказилаётган эди. 37-дақиқада меҳмонлар Робин Стомбергнинг голи эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олишди. «Мьельбю» футболчилари майдонда голни нишонлаётган вақтда трибуналардан турли хил нарсалар — тангалар, сув идишлари ва мевалар майдонга учиб туша бошлаган. Трибунадан учиб келган нок «Мьельбю» футболчиси Гбенга Арокойога теккан. Натижада, нигериялик футболчи қорнини ушлаб, ёрдам кутган ҳолда майдонга ётиб олган. Арокойонинг ўйиндан кейин айтишича, у нокни тош деб ўйлаган, чунки оғриқ кучли бўлган. Ўйиннинг сўзларига кўра, у ўйин тўхтатилишини хоҳламаган. Натижада, симуляция қимматга тушган. Полиция билан маслаҳатлашгандан сўнг ўйин бош ҳаками ўйинни бошқа кунга кўчиришга қарор қилган.

## Интернет манбалари асосида Жавахир КАРОМАТОВ тайёрлади



Тасвирий санъат — нозик санъат. Унинг кўз илғамас шундай жиҳатлари борки, инсон тафаккурида гўзалликка ошурфталик ҳиссини уйғотади.

Тенгдошимиз — Тошкент давлат педагогика университетининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабаси Улфат Исмаилов юртимиз хусн-жамолини, пурвиқор тоғлару қир-адирларимиз тароватини мўйқалам билан акс эттиришдан завқ-шавқ олади.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавласи

Jurnalning yangi soni

## «Ёш куч»ни ўқиб...

Кўлимда интиқиб қутганим «Ёш куч» журналининг навбатдаги сони. Дастлаб эътиборимни тортган ўзгача муқовасига назар ташлайман: унинг ўзига хос баҳорий дизайни кўнгишларга йил бўйи янги кун — Йилбоши Наврўзни, кўкларнинг шуқуҳди кунларини, баҳор нафасини кўнгишларга жо қилгудек, гўё.

Журнал саҳифаларини бирин-кетин варақлар эканман, бир-бирдан қизиқарли ва керакли маълумотларни, юртимиз ва дунё саҳнида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгиликларни хотира хуржунимга жойлаб, «Қувноқ латифалар»-ини ўқиб, кайфиятимни чоғлайман. Энг асосийси, юртимиз ёшларининг интилишлари, иқтидори ва истеъдоди ҳамда ютуқларидан бохабар бўламан. Албатта, севиनाман ҳам. Биргина «Болалар спорти» саҳифасида берилган «Юрт байроғин баланд тутганлар» хабарида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг «Камолот» ЁИХ ва қатор ташкилотлар билан ҳамийликда ўтказилган кўпжа спорт мусобақалари ҳамда турли тадбирларда юқори малакали, маҳоратли спортчи-ёшлар кашф этилаётганлиги ҳаммамизни бирдек қувонтиради. Тўққиз ёшли жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов сингари спортнинг турли йўналишларида Осиё, олимпия ўйинлари, республика

ва жаҳон чемпионларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлган ёш спортчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди.

Шунингдек, мазкур журнал барча шеърият ихлосмандлари каби мени ҳам ранг-баранг шеърий намуналар орқали назм гулшани ичра бахраманд этади. Бу гал шоира Зебо Мирзонинг дил тўридаги инжа туйғуларини инъикоси «Назм» рукнига кўчган экан, десам, адашмайман. Мана, улардан бирида шоира шундай ёзади:

*Балким кимларгадир  
келади малол,  
Фариб икки дилнинг  
интизорлиги.  
Аммо мен учун туш,  
мен учун хаёл,  
Бу дунёда сенинг  
севгинг борлиги...*

Қолаверса, кўпгина тенгдошларимизнинг ижод намуналари, таржима ва суҳбатлари ҳамда турли долзарб мавзулардаги фикр-мулоҳазалари журналнинг «Ёшлар ижоди», «Наср»,



«Таржима», «Лавҳа», «Муаммо», «Абитуриент», «Қатортолга мактублар» каби рукнларида мунтазам, кенг бериб борилади. Бундан ташқари, журнални кўздан кечирар эканман, маънавий-ахлоқий, тиббий тарбия масалалари бўйича зарур ва қимматли маълумотлар, тегишли тавсия ва маслаҳатлар «Маънавият», «Тадбиркор оила», «Аҳил маҳалла» ҳамда «Болажон», «Рухшунос қабулида» номли рукнлар остида берилганлигига кўзим тушади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси

Quvnoq maydoncha

## «ҚвЗ»да касб танлаш мавзуси

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 215-мактабда битирувчилар иштирокида турли касб-хунарлар ҳақида бир-бирдан қизиқарли ва ранг-баранг маълумотларни ўзида жамлаган «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви ташкил этилди.

Мактабнинг «Баркамол авлод», «Бунёдкор», «Шов-возлар» жамоалари берилган шартлар бўйича беллашдилар. Официантлик, авточилангарлик, ошпазлик, тикувчилик, ҳамширалик, ҳисобчи, саргарошлик каби касб-хунарларнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалаган сатрлар йиғилганларни эътиборсиз қолдирмади. Жамоалар таништирув шариҳида касб танлашнинг аҳамияти, уни пухта эгаллашда талаб этиладиган ўзига хос мезонлар, назарий ва амалий билимларнинг ҳаётда қанчалик асқотишини шеър, куй-қўшиқлар воситасида намойиш этдилар. Ким бўлсам экан, деб ҳали ҳам иккиланган юрган ёки дарс қолдиришни қанда қилмаётган ўқувчиларга қарата айтилган тўртликлар уларни хушёрликка ундади.

Баъзида бўлса-да, диплом бўлса бўлди, иш топилади, дегувчилар ёки фақат нуфузли олий ўқув юртида ўқишим керак, дейдиганлар ҳам, кўлида касби, хунари бўлиб ҳам, иш йўқ, деб юрган баъзи йигит-қизларнинг борлиги ўқувчилар томонидан юморга бой саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб берилди.

— Ўқимасдан ҳам официант бўлиш мумкин, деб ўйлаб дарс қолдирган ўқувчининг коллежни битиргач, ишлаш пайтида нуноқлигидан уялиб қолганини биз бугун саҳна кўриниши орқали намойиш этишга ҳаракат қилдик, — дейди «Бунёдкор» жамоаси сардори Наргиза Ўктамова. — Агар бугун тенгдошларимиз ўзларининг қизиқиш ва иқтидорларини ҳисобга олсалар, адашмас эканлар. Устозларимиз айтганидек, ҳар бир касбни нафақат тўғри танлаш, кейин шунга яраша ҳаракат қилиб, унинг сир-асрорларини пухта эгаллаш керак экан. Бундай сабоқлар ҳар биримизга ҳаётда доим асқотади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
«Turkiston» муҳбири

Fan oyliklari

## Билимлар байрами

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабда фан ойликлари якунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фанларга қизиқишини ошириш мақсадида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида фан ойликлари ўтказилмоқда. Фан ойликлари доирасида дарсликлар муаллифлари, фан арбоблари билан учрашувлар ташкил этилади.

49-мактабда бўлиб ўтган фан ойликларининг якуни катта шодиега айланди. Унда мактабнинг фахрий устозлари, дарсликлар муаллифлари, маҳалла фаоллари, устоз-мураббийлар ва ўқувчилар иштирок этди. Мазкур тадбирда йил давомида ўтказилган фан ойликлари ва очик дарсларда фаол иштирок этган ўқувчилар, «Камолот» ЁИХ мактаб ва синф сардорлари тақдирланди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган турли мавзулардаги расмлар, деворий газеталар, саҳна кўринишлари ва куй-қўшиқлар иборат дастур намойиш этилди.

Гулчеҳра ҚОРАБОЕВА,  
Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси

### YON DAFTARCHANGIZGA

Бир йилни ўйласанг, уруғ эк, ўн йилни ўйласанг, дарахт эк, юз йилни ўйласанг, инсонни тарбияла!

Конфуций